



## СУДЛАР МУСТАҚИЛЛИГИГА ДОИР ХАЛҚАРО НОРМАЛАРГА БИР НАЗАР

Тожибоев Нуриддин Ёқубович

Фуқаролик ишлари бўйича

Асака туманлараро суди судьяси

E-mail: tojiboyevnuriddin30@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14049698>

### ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 01- Noyabr 2024 yil

Ma'qullandi: 05- Noyabr 2024 yil

Nashr qilindi: 07- Noyabr 2024 yil

### KEYWORDS

суд ҳокимияти, мустақиллик принципи, суд тизими, халқаро стандартлар, инсон ҳуқуқлари, халқаро шартномалар.

### ABSTRACT

*Ушбу мақолада суд ҳокимияти мустақиллигининг институционал жиҳатларига оид халқаро стандартлар ҳамда суд ҳокимияти мустақиллигига оид халқаро ва минтақавий ҳужжатлар комплекс тарзда таҳлил қилинган.*



Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституцияси 15-моддасининг 2 ва 4-қисмларига кўра Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатнинг бутун ҳудудида олий юридик кучга эга, тўғридан-тўғри амал қилади ва ягона ҳуқуқий маконнинг асосини ташкил этади[1].

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг қонунида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси қоидалари қўлланилади.

Демак, Бош қомусимизга мувофиқ мамлакатимиз ҳудудида халқаро шартнома қоидаларининг устунлиги тан олинган экан, шу аснода суд ҳокимияти мустақиллиги ва судьяларнинг мустақиллигига доир Ўзбекистон ратификация қилган халқаро ҳужжатларнинг айримларига тўхталиб ўтамиз.

Ўзбекистон Республикаси 1991 йил 30 сентябрда ратификация қилган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 8-моддасида ҳар бир инсон унга Конституция ва қонун орқали берилган асосий ҳуқуқлари бузилган ҳолларда ваколатли миллий судлар томонидан ҳуқуқларининг самарали тикланиш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган[2].

Шунингдек, декларациянинг 10-моддасига кўра, ҳар бир инсон ўз ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш ва унга қўйилган жинойий айбнинг асосли эканлигини аниқлаш учун унинг иши тўлиқ тенглик асосида ошкора ва адолатнинг барча талабларига риоя қилган ҳолда мустақил ва холис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга[2].

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси 1948 йил 10 декабрда қабул қилинганлиги ва шу пайтнинг ўзида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари мустақил ва холис суд томонидан ҳимоя қилинишининг белгиланиши суд ҳокимиятининг давлат ҳокимиятининг мустақил бир тармоғи сифатида ташкил этилишини тақозо этган.

Шу сабабдан бўлса керак бугунги кунда бутун дунё давлатларида давлатнинг бошқарув шакли ва ташкилий-ҳуқуқий мақомидан қатъий назар суд қонун чиқарувчи ва ижро этувчи органлардан, жамоат бирлашмаларидан мустақил тармоқ сифатида фаолият олиб боради.

Агар, суд тизими бошқа бир ҳокимият органига бўйсиндирилган бўлса, бу мамлакатда тараққиёт бўлмайди, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси тўлиқ таъминланмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1995 йил 31 августда ратификация қилинган Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро Пактнинг 2-моддасида ушбу Пактда иштирок этувчи ҳар бир давлат ўз зиммасига қуйидаги мажбуриятларни олган:

1) ушбу Пактда тан олинган ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилган ҳар қандай шахсни, агар бу бузилиш расмий сифатда ҳаракат қилган шахслар томонидан содир этилган бўлса ҳам, ҳуқуқий ҳимоянинг самарали воситаси билан таъминлаш;

2) ана шундай ҳимоя талаб қилувчи ҳар қандай шахс учун юридик ҳимоя ваколатли суд, маъмурий ёки қонун чиқарувчи ҳокимиятлар томонидан ёхуд давлатнинг ҳуқуқий тизимида назарда тутилган бошқа ваколатли органлар томонидан таъминланиши ва суд орқали ҳимояланиш имкониятини ривожлантириш;

3) ҳуқуқий ҳимоя воситалари берилганда, ваколатли ҳокимиятлар томонидан бунинг қўлланилишини таъминлаш[3].

1966 йил 16 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган ушбу Пактда инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоя қилиниши ваколатли ва мустақил суд орқали амалга оширилиши белгиланганлиги ҳам бутун дунё ҳамжамиятида ҳуқуқ ва эркинликларни кафолатлашда мустақил суд ҳокимиятининг ўрни беқиёс эканлигини кўрсатади.

Бундан ташқари, суд мустақиллигига доир яна бир муҳим халқаро ҳужжат – “Суд органлари мустақиллигининг асосий принциплари” (келгуси матнларда “Асосий принциплар” деб юритилади) ҳисобланади[4].

Ушбу ҳужжат БМТ Бош Ассамблеясининг 1985 йил 29 ноябрдаги резолюцияси билан маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси ушбу ҳужжатга Олий Мажлиснинг 1997 йил 30 августдаги Қарорига мувофиқ қўшилган.

Суд органлари мустақиллигининг асосий принциплари муқаддима ва 20 та бандни ўз ичига олган 6 бўлимдан иборат.

Асосий принциплар қуйидагича номланади:

- 1) Суд органлари мустақиллиги;
- 2) Сўз ва уюшмалар эркинлиги;
- 3) Малака, танлов ва тайёргарлик;
- 4) Лавозим шартлари ва ваколат муддатлари;
- 5) Касбий сир ва дахлсизлик ҳуқуқи;
- 6) Жазолаш, лавозимдан четлатиш ва бўшатиш[4].

Халқаро ҳужжатнинг муқаддимасида баён қилинганидек, ушбу асосий принципларга қўшилган давлатлар ҳукуматлари суд органларининг мустақиллигини таъминлаш ва мустаҳкамлаш вазифаларини ҳал қилишда аъзо-давлатларга ёрдамлашиш учун баён этилган принципларни ўзларининг миллий қонунчилиги ва

амалиёти доирасида эътиборга олишлари ва ҳурмат қилишлари, судьялар, адвокатлар, ижро этувчи ва қонун чиқарувчи органларнинг ходимлари ва кенг жамоатчилик эътиборига етказишлари лозимлиги баён қилинган.

Асосий принципларнинг 1-бандига кўра, суд органларининг мустақиллиги давлат томонидан кафолатланади ва мамлакат конституцияси ёки қонунларида мустақамлаб қўйилади. Барча давлат органлари ва бошқа муассасалар улар мустақиллигини ҳурмат қилишлари ва унга риоя этишлари шарт.

Асосий принципларнинг 2-бандида суд органлари ўзларига топширилган ишларни холисона, фактлар асосида ва қонунга мувофиқ равишда, ҳеч бир тараф томонидан ва ҳеч бир сабабсиз, бевосита ёки билвосита чеклашларсиз, ғайриқонуний таъсир кўрсатишларсиз, ундашлар, мажбурлашлар, таҳдидлар ёки аралашувларсиз ҳал қилиши баён этилган.

Суд органлари суд хусусиятига нисбатан барча масалалар бўйича ваколатларга эгаллиги ва уларга топширилган иш қонун билан белгиланган ўз ваколатига кириши ҳақида узил-кесил қарор чиқариш ҳуқуқи берилганлиги Асосий принципларнинг 3-бандида назарда тутилган.

Асосий принципларнинг 7-банди эса давлат зиммасига суд органлари мустақиллигини таъминлашда мажбурият юклаб, ҳар бир аъзо – давлат суд органларига талаб даражасида ўз вазифаларини бажаришларига имкон берувчи тегишли воситаларни таъминлаб беришга мажбурлигини белгилаб берган[4].

Асосий принциплар билан тўлиқ танишиб чиқар экансиз, бугунги кунда кўпгина давлатларнинг, жумладан Ўзбекистон Республикасининг судларга оид миллий қонунчилигида ва Судьялар одоби кодексида ушбу принциплар ўз ифодасини топган.

Асосий принципларнинг “Лавозим шартлари ва ваколат муддатлари” деб номланган бўлимида судьяларнинг ваколат муддатлари, уларнинг дахлсизлиги, муносиб тақдирланишлари, хизмат шартлари, нафақа ва нафақага чиқиш ёши тегишли тарзда қонун билан белгиланиши ва кафолатланиши кераклиги таъкидланган[5].

Хулоса қилиб айтиладиган бўлса, Ўзбекистон Республикаси ўз Конституцияси билан халқаро шартнома қоидаларининг қонунларга нисбатан устунлигини тан олган экан, барча соҳалар каби судлов фаолиятига ҳам халқаро шартнома қоидаларини имплементация қилиш ишларини давом эттириш зарур.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Судьялар Олий кенгаши ривожланган давлатлар суд ҳокимияти органлари ва халқаро ташкилотлар билан кенг кўламли ҳамкорликни йўлга қўйган. Улар билан тажриба алмашиш, турли конференция ва семинарлар ўтказиш орқали суд-ҳуқуқ соҳаси мунтазам ислоҳ қилиб борилади.

Суд ҳокимиятининг мустақиллиги ва судьяларнинг мустақиллиги мамлакат бозор иқтисодиётига чет эл инвестицияларини жалб қилишда жуда муҳим аҳамият касб этади. Фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари олий даражада кафолатланган, ҳар қандай низо ва келишмовчиликлар фақатгина одил судлов йўли билан ҳал қилинадиган жамият тез ривож топади, гуллаб яшнади. Коррупциядан ҳоли бўлган, суд органларига юқори ишонч бўлган мамлакатларга инвестиция маблағлари оқими келаверади, мамлакат ҳаётининг барча жабҳалари тараққий топади.

Шу сабабдан бугунги кунда мамлакатимизда судлар мустақиллигини таъминлашга қаратилган ислоҳотлар жадаллик билан давом эттирилмоқда.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон
2. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси // <https://constitution.uz/uz/pages/humanrights>
3. Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида Халқаро пакт. 28.12.1995. <https://lex.uz/docs/2640479>
4. Суд органлари мустақиллигининг асосий принциплари. БМТнинг жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарлар билан муомала қилиш бўйича 1985 йил 26 августдан 6 сентябргача Миланда бўлиб ўтган еттинчи конгрессида қабул қилинган ва БМТ Бош Ассамблеясининг 1985 йил 29 ноябрдаги 40/32-сонли резолюцияси билан тасдиқланган. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига оид халқаро ҳужжатлар: тўплам. – Тошкент: “Адолат”, 2004. 109-113 бетлар.
5. Суд органлари мустақиллигининг асосий принциплари. БМТнинг жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарлар билан муомала қилиш бўйича 1985 йил 26 августдан 6 сентябргача Миланда бўлиб ўтган еттинчи конгрессида қабул қилинган ва БМТ Бош Ассамблеясининг 1985 йил 29 ноябрдаги 40/32-сонли резолюцияси билан тасдиқланган. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига оид халқаро ҳужжатлар: тўплам. – Тошкент: “Адолат”, 2004. – Б. 112.

INNOVATIVE  
ACADEMY